

Хайтизмда, умуминсоний кадриятларга интилиш билан бирга, Шарк философи муносиб ўрин топапти. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз соддагина қилиб «Ўзбекчилик» деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардида ҳамдард бўлиш каби олижаноб фазилатлар қарор топапти. Бу улуг ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга.

Ислом КАРИМОВ.

ОДАМ СЎЗЛАШИБ ТАНИШУР...

Дунёни англашнинг аввали Сўзидир, тафаккурнинг ибтидоиси ҳам каломи шарифдан бошланур.

Нақл борким: «Одам сўзлашиб танишур, ҳайвон ҳидлашиб».

Аввал танишадилар, кейин суҳбат қурурлар ва алалоқибат кўнгиллар ўтрусидан кўним топсалар — дуст тутунурлар. Энди оқибат сўзи оқибат аъмолига айланади. Сўз ва аъмол муштараклигида ҳикмат бор, бус-бутун умр моҳияти мавжуд. Умр узун. Оқибат дундан-да уз-у-у бўлиши... мумкин. Аммо бу чархи дуннинг эврилишида унинг қосалари гоҳ тошди, гоҳ дастигир бўлди. Баъзан кўлдан тушиб, тупроққа қоришиди. Оқибат нима ўзи?

Бизнинг назаримизда, у Меҳр билан эгизак, бир қориндан талашиб тушган Фотима-Зухра ёки Хасан-Хусандир. Уларнинг орасида қандайдир телепатик ришталар мавжуд. Хасанни Хусандан ажратиб қўйсанг, ҳар иккаласи дард чеққанидай, буларни ҳам бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Азобланади, кўрпа-тўшак қилиб, ётиб олиши ҳам мумкин. Хеч бир инсонни меҳр-оқибатдан, меҳр-оқибатни ҳеч бир инсондан айригиллик қилмасин.

Инсоннинг инсонга, инсоннинг табиятга, жамиятга, ҳайвонот оламига нисбатан оқибати, ёки ақсина, ҳайвонларнинг инсонларга бўлган оқибати ҳақида кўп хижоат ривоятлари эшитилган, гувоҳи бўлгансиз. Бойчиборнинг Алпомисга, Фирқунинг Гурўлига, Қоранорнинг Эдигейга (Чингиз Айтматов), Бекиннинг ўз соҳибига (Жек Лондон) бўлган оқибатида биз от, туя ва итнинг меҳрга тўла ички оламини кўрамиз ва беҳиётёр уларни севиб қоламиз.

Демакки, оқибатнинг чегараси бўлмас экан, худуди бўлмас экан. Мезони бўлмас экан. Меъдари бўлмас экан.

Аммо оқибат пахта токсидан нозик ва шафтолидек мўрт бўлади. Ноғохонда узилиб кетиши ва чирсиллаб синиб қолиши мумкин.

Оқибат мақол ва маталларимиз, аънава ва маросимларимиз орасидан қизил ип бўлиб ўтганига ҳеч эътибор қилганмисиз? Аждодларимизнинг каломи гуҳарлари ва амалларидаги Оқибатчилик, меҳр-муҳаббат диққатингизни ҳеч тортганми?

Ўзгалар боласи тугул, ўз фарзандини-да сизлаб гапиргувчи элдан Оқибат ўзи ўтириши мумкинми?

Этти ёт бегонадан-да бир пёёла чойини дариг тутмаган халқни Меҳр тарк эта оладими?

Боласининг ризқидан қийиб, ўз насибасини-да меҳмон олдиға қўйгувчи миллатни ташлаб Муҳаббат қайға боради?

Истиқлол деб аталмиш шифобахш бир нур гўбор бостан кадрияларимизни равшанлаштириб юборганч, кечаги ва буғунги кунимиз янада ойдинлашиб қолди. Биз савдий ва саводсиз деб билган ота-боболаримиз маънавияти бугун етти иккимни ёритиб, озуқа бериб турганига гувоҳ бўлдик.

Бугунги «Оқибат» деб номланган саҳифамиз ҳам ана шу маънавиятимиз моҳияти, унинг ранг-баранг қирралари, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ҳамда савий-амалларимизда бу фазилатларнинг қай тарзда ўз кўрсатаётганлиги ва кўрсатиши лозимлиги хусусидадир. Зеро, бу сиз, азиз газетхожларнинг ҳам, ўйлашмиш, кўнгиллигимизда гаплардир. Ана шу байқим, уй ва ташвишлар билан саҳифамизга қўшилмасиз ҳамда саҳифамизни жўяли ва саҳиҳ мактубларингиз билан бойитасиз, деган илжиж билан қоламиз.

Ширин СУХАН.



Тўрт мучанг соғ бўлсин, болам!

ОҚИВАТ

Алишер Навоий ИСТАНГИЗ

Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз, Водийи хижрон ила дашти фанода истангиз.

Вомик Фарҳоди Мажнундеклар ул водий аро Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.

Ўз аларнинг ишқича дарду, балоу гуссаға, Тилиб эл бошиға келган мижарода истангиз.

Эйки, истарсиз саводул-важъ фиддорайдин, Бохобар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.

Кўнглим ул зулф ичраду,р, зинҳор ишқим шарҳини Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нукта янгилигим, вафо узра қилур котиб рақам, Ишқ ўтининг доғини ақил вафода истангиз.

Оғзи шаққидин Навоий дити, они истар эл Е адам даштида ё мулки фанода истангиз.

Мурувват

Асримизнинг сўнги йили Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Бу — беҳиз эмас. Фарзандларимизнинг соғлом ўсишидан ортиқроқ эзгу ният бормикан? Қўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, келажғимиз эгалари улар. Янги йил хайрли, эзгу ишлар билан бошланди. Деярли барча туманлар ва вилоятларда 2000 йилда туғилган илк чақалоқларнинг ота-оналарига қимматли совғалар улашилди.

Самарқанд вилояти, Нуробод шаҳрида ҳам 2000 йилнинг биринчи фарзандига юз минг сўмлик совға-салом берилди. Қўлгў кадам билан дунёга келган болакайга эзгу ниятлар билан Ислом деб ном қўйилди.

— Хурсандчилигимизнинг чегараси йўқ. Фарзандларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг бахтли фарзандларидан бири эканлигига шубҳа қилмаймиз, — деди ҳаёзон биринчи фарзанднинг онаси Матлуба Ҳамроева.

Унинг умр йўлдоши Олим Ҳамроевнинг тили каломига келмас, фақат бошини қумурлатиб, жимаярди, холос.

БАХТЛИ ЭЛНИНГ ЭРКА БОЛАСИ

Бахтли оилага қараб, ҳаёлимдан куйдаги сатрлар ўтди:

Ғам-ташвишлар
хаёдан нари,
Ухлатида онасининг
алллари.
Соғлом ўсаётганларнинг
бари —
Президентимизнинг
болалари.
Раҳмон АЛИ.

Бахтли оилага қараб, ҳаёлимдан куйдаги сатрлар ўтди:

— Хурсандчилигимизнинг чегараси йўқ. Фарзандларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг бахтли фарзандларидан бири эканлигига шубҳа қилмаймиз, — деди ҳаёзон биринчи фарзанднинг онаси Матлуба Ҳамроева.

Унинг умр йўлдоши Олим Ҳамроевнинг тили каломига келмас, фақат бошини қумурлатиб, жимаярди, холос.

Бахтли оилага қараб, ҳаёлимдан куйдаги сатрлар ўтди:

— Хурсандчилигимизнинг чегараси йўқ. Фарзандларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг бахтли фарзандларидан бири эканлигига шубҳа қилмаймиз, — деди ҳаёзон биринчи фарзанднинг онаси Матлуба Ҳамроева.

Унинг умр йўлдоши Олим Ҳамроевнинг тили каломига келмас, фақат бошини қумурлатиб, жимаярди, холос.



Шу кунларда Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида Ёш драматург Гафур Шермухаммадов асарига асосан соҳналаштирилган "Қудук тубидаги фариш" спектаклининг премьераси бўлиб ўтмоқда. Мен негиздан ушбу соҳна асарини "Оқибат ҳақида қўшиқ" ёхуд "Инсонни ардоқлаш" деб номлагим келди.

Бундан беш йил муқаддам газета саҳифасида Ф. Шермухаммаднинг "Лаллай" ҳикосини мароқ билан ўқиган ва жуда таъсирланганимни Лаллай — ўта самимий, оқ кўнгил, ўзининг ютай деб турган лўқмасини ҳам бирордан аямайдиган қўшлоқ одамнинг лақаби. Хамқишлоқлари унинг асли исмини аллақачон унутиб юборишган. Бироз кино, бироз пичинг билан уни лаллай деган таърифлашди, қисқароқ шаклда Лаллай деб қўя қолишди.

Спектакль мазкур ҳикоя асосига қўрилган. Актёр Абуғани Рўзиев ижросидаги Лаллай, асосан, мардиқорлик билан кўн қўради, рўзгор тебратди. Қўпроқ қудук қазиш билан шуғулланади. Яъни, кўнлигини қанда топади. Жамғариб қўйган ортиқча уч-тўрт сўми йўқ. Лекин унинг дунёларга бергисиз бойлиги бор. Бу унинг орияти, одамларга бўлган меҳру оқибатидир.

Шу тўғривоул у қудук қазиётган топиб олган қалпа сўнгини ҳам беҳад қадрлайди, у билан суҳбат қуради. Шеригининг бу "Чингизхоннинг суғи бўлса керак. Музейга топшириб катта пул ишлаб оламиз", — деган гапига қарама-қарши ўлароқ, уни қайтадан қўмади. Сўнг энди оға-ини бўлдиқ, марҳумга ис чиқармасам, бўлмас, деб худойига ҳамқишлоқларини чакради. Бундан хабар толган Хушвақт раис (актёр Жаббарали Жўраев) қозонда пишётган овқатга тезак ташлаб юборади. Лаллай эса энди одамларга қайси юз билан қарайман, деган ориятдан азобланиб, хотини — Тўшбуви билан қишлоқни тарк этади. Спектакль шу билан тугайди.

Бир қараганда, томошбинга бу оддий бир воекдади туюлиши ҳам мумкин. Лекин спектакль ичига, сюжет қурилмаларига чуқурроқ қўриб борилса, йўл юрса ҳам мўл юриб, ҳазинага дуч келгандай.

Гулчеҳра Йўлдошева, "Халқ сўзи" муҳбири. СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш. Н.МУҲАММАДЖОҒОВ олган сурат.

ДИЁНАТЛИ ИНСОНЛАР

Бекатда бир бола жонжади билан йиғлаётган эди: — Оберасиз, оберасиз!

Она ҳижолат. Одамлар хайрон. Йўл четида ширинликлар сотётган йигит гап нимадалагини фаҳмлаб, жимгина томошбин бўлиб турибди.

Қайсар болакай эса ўзини ерга уриб, хархаша қилаятти.

— Оберасиз, оберасиз! Шўрлик аёлнинг ортиқча пули йўқдир. Боласини овутишга уринади. Қани кўнса. Ҳамма жим, барча томошбин.

Шу пайт бир йигит битта шоколад сотиб олди-да, болага берди, у юпанди-қолди.

Юнусободдаги бола-лар уйига борганимда, хорижлик бир йигит келди. Мурувват билан йўлгў, гурч, ёғ олиб келмоқчилигини айтиб, директор билан гаплашиб кетди. Эртаси кўни келиши билан соатда озиқ-овқатларни олиб келишди.

Болапар уйи директорини унинг исми-шарифини сурштирганда, бунинг нима кераги бор, дея жавоб қилди. Йўлимиз бир томонга экан, машинасида бирга кетдик.

— Парвардигор тўрт мухаммидини соғ қилиб яратган экан, хайру эҳсон қилиб туриш бизнинг бурчимиз, — деди у. — Барчамиз Одам Атою Моно Ҳавонинг фарзандларимиз. Шундай бўлган, доимо бир-биримизга меҳр қўрсатиб яшашимиз керак.

Гарчи бу саховатли инсон билан ана учрашмиш насиб этмаган бўлса-да, бир нарсани аниқ биламан: бу дунёда инсонларни севаган, уларга меҳр қўрсатишни саодат деб билган оқибатли одамлар бисёр.

А. Жўраев.



Қадамжў

унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди. Мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди». Бу шўнчаки гаплар эмас, ёзувчининг юрак-юрағидан айтган изхори эди.

«Халққа хизмат қилиш катта бахт. Мен қирқ йилдан буюн адабиёт майдонига қалам тебратиб келаман. Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақдирини билан боғлашга

АЖАБ САОДАТ ЭРУР...

Халққа фойдали иш қилишига, унинг орзу-умидларини ифодалашга интилдим. Халқнинг қувончлари ва қийинчиликларига ҳамдард бўлдим.

Ушбу сўзларни устоз Ойбек ўзининг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанавда айтган эди. Бутун умрини илмга, адабиётга бахш этган адибнинг мангуликка юз тутганига ҳам 30 йилдан ошди. Лекин унинг табаруқ хонадонига инсонларга яхшилик қилиш аънаси хануз яшаб келаётти.

Ишчилар шаҳарчасидан Уста Ширин кўчаси томон бораверсангиз, Ойбек уй-музейи жойлашган макондан огоҳ этувчи лавҳага дуч келасиз. Тезетдинов кўча, 26-уй. Бу даргоҳда 1940 йилдан 1968 йилнинг 1 июлига қадар истеъодли ўзбек адиби Ойбек яшаб, ижод этган. Кейинроқ, 1980 йилда ҳукуматнинг Ойбек яшаган уйи музейга айлантириш ҳақида қарори қабул

уларнинг набираси Ойнур Тошмухаммадова ёкиб ўтирибди.

Уй-музей экспозиция қисми ҳамда мемориал бўлимдан иборат. Ойбекнинг болалик йиллари, ўрта мактабга қатнаган чоғларига доир маълумотлар алоҳида хонада жамланган. Кейинги хонада устознинг матбуотда чоп этилган асарлари, илк тўпамлари, қўлёзмалари кўйилган. Унг томонда алоҳида ижодхона. Бу ерда ўзбек адабиётидан муносиб ўрин олган асарлар яратилган.

Хонтахта, китоб, лавҳ, Адибнинг чопони. Чор-атрофга қўрпачалар солинган. Гўё ҳар бир буюм нафас чиқармасдан хонадон соҳибини кутаётгандек. Бу уйнинг тарҳини Зарифа аянинг ўзлари чизган. Ижодкорнинг жойлашган ўрни ҳам бу мухтама аёлнинг Ойбек домлани нақадар авайлаганидан дарак бериб турибди.

Кираверишда, унг томондаги кичик хонада Зарифа аянинг хонаси. Од

дй, шинам. Ўз умрини Ойбекка бахшида этган бу фидойи аёлнинг расмонликдан ҳам яхшигина иқтидори бўлган. Бу хонадаги Сомонийлар, Аҳмад Ясавий мақбараларининг суратлари ва пейзаж жанридаги асарлар шундан дарак беради. Хонада стол, стул ва сурат чизишда фойдаланилган иш анжомлари. Буларнинг барчасида Зарифа аянинг бармоқ излари қолган.

Бу ерда жуда кўп қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланмоқда. Қўрғанларинингнинг барчаси хонадон эгалари илмини нечоғлик қадрлаганликларига гувоҳ.

Кейинги хоналарда Ойбек домла асарларининг қўлёзма нусхалари жойлашган. Буларнинг барчасида батартбиллик ва меҳр билан қўлнинг саранжом-сариштилиги мужассам.

Уй-музейни айланганнимда эса, бобомиз Алишер Навоийнинг ушбу сўзлари бот-бот ёдимга тушаверди:

Бу гулшан ичра йўқдур саодат гулига сабот, Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

«Ўзбек халқи қул бўлишини истамайди... Ўзбек одамгарчиликни, эрликни, йиғитликни, орномусни ҳаммадан юқори қадрловчи бир халқ».

Бу сўзларни фақат Ойбекдек ўз халқини севаган, унга бутун меҳру муҳаббатини бахшида этган инсонгина ёзиши мумкин эди. Бутун устознинг чироғи ёниқ. Унинг нури илмга ташна истиклол фарзандларининг дилларини ҳам нурафшон эттирсидир.

Ойбекнинг эшиги илм излаган, яхшиликни қўлмеган инсонлар учун ҳаммиша очик. Устознинг набираси Ойнур бу хонадонни йўқлаб келган барча меҳмонларни иссиқ бир меҳр билан қўлиб олади.

Устоз ҳаётлигида эзгуликка, яхшиликка ташна дилларни бағрига олган бу хонадон хануз оқибат, меҳру мурувват маскани бўлиб адабиётга, инсонларга хизмат қилаётти.

Абдураҳмон ЖўРА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Сизга шеър айтгим келди

КУРАШ

Туй қизийди даврада, Оқийш сира тинмайди. Кураш тушиб юртимда Алтомшилар улғайди.

Рустам ботир, Нор ботир... Саноқларинг етмайди. Чунки бунда голибни Барчинойлар қутлайди.

Ҳакам — элиниг назари, Ундан ёлгон ўтмайди. Қадрин билган полвонлар Юлдуз санаб ётмайди.

Йиқилса гар ботири Элиниг кўнгли қақшайди. Ахир полвон қонида Миллат шаъни яшайди.

Энг покиза майдон бу — Тан олмайди рўени. Ўзбегим забт этади Кураш тушиб дунени.

СҰРОВ

Новдалар кўксиде ажиб бир титроқ — Мажнунтол соҳига кун солиш тароқ. Совчи бўлар ерга минг йиллик сўроқ, Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Бодомзор уфурар анбару мушқдан, Қумрилар тизилиб сув ичар ашқдан, Тарновда сумалак эрийди рашқдан, Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Кўкда қуёш эмас, юрак борадур, Нур сочиб енгилмас тилак борадур, Бўғимда фанимим — фироқ борадур, Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Боқсам юзларингда ойнинг акси бор, Унда икки қаро зулфинг рақиси бор, Шундан ҳисларимнинг минг хил баҳси бор, Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Мен-ку, аёлларда кўз очган лола, Баҳоринг соғиниб кўкарган нола, Хайратми, кўзимдан оққан бу жола, Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Юсуфжон ХАМИДОВ.

СИР СОҲИЛИ СҰЛИМ-СҰЛИМ

Бекободда хайрли бир ҳаракат бошланди. Мақсад — металлургия шаҳрида янги боғ-роғлар, гулзорлар барпо этиш. Бунинг учун шаҳар худудидаги ташландиқ ерларни ўзлаштиришга киришилди. Сирдарё қирғоқлари, канал ва арик бўйларига мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Майдонлар, идора ва ўқув

юртларининг атрофларида гулзорлар барпо этилаётди. Бекобод ўрмон хўжалиги дарахт ва гул кўчатларини етарлича етказиб беришни ўз зиммасига олган.

Шундай қилиб, Сир соҳили янги минг йилликда сўлим оромгоҳ, баҳаво масканга айланади.

Турсунали УСМОНОВ.



Кулоқ тўтинг, чанковуз «нола»си таралапти. Оҳанглар оғушида ҳатто сервикор тоғлар ҳам беихтиёр тейранаётгандек... Мабодо йўлингиз тушиб, Деҳқонobod туманидаги Дўконхона кишлоғида бўлиш насиб этса, кишлоқ аҳлининг ота-боболаримиз урф-одатига, санъатига бефарқ эмаслигини кўриб, кўнглингиз тоғдек кўтарилари.

Сиз суратда кўриб турган Иззаат ая Тошпўлатовага чанковуз чалиш сирларини буйиси ўргатган. Онахон эса болаларига... Хуллас, аждодлар анъанаси эъзоз топган бу кишлоқни сеҳрли оҳанглар сира ҳам тарқ етмайди.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Юртбошимиз Ислам Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувда Ватанимиз тарихига доир долзарб муаммо ва масалаларни кўнрақлик билан кўндаланг қилиб қўйган эдилар. Бизнинг аждодларимиз, насл-насабимиз қиллар? Ўзи биз — ўзбеклар қандай халқимиз? Ўзбекларнинг этник жиҳатдан халқ бўлиб шаклланиш жараёни қандай кечган? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлди? У ўз тараққиётида қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилигининг замон ва макондаги ўрни қандай? Бу саволлар ҳамон қулоғимиз остида жаранглаб турибди.

Шундан бери ўтган қисқа даврда тарихчи олимлар, ёзувчилар ва бошқа соҳа мутахассисларининг ўзбек халқининг этник шаклланиш тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихига доир дастлабки илмий мақолалари, асарлари, дарсликлар чоп этилди. Шу маънода, танкичи ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан нашр этилган «Бизким, ўзбеклар...» номили асари диққатга сазовордир.

Муаллиф ўшбу асарига турк ва туркий атамаларнинг маъноси, уларнинг ўрнинида ва ҳозирда қандай тушунарлар аниқлаётгани, улар ўртасидаги фарқларни тушуниришда ижодий ёндашди, синовлик билан мулоҳаза юритди, ёзувчи, публицист таҳлилдан ўтказди.

Асарнинг «Ўзбекининг этник тарихи» деб номланган боби қизиқarli мушоҳадаларга, ибратли фикр-мулоҳазаларга бой. Ўзбек халқининг биринчи катлам Туронзаминада жуда олис замонлардан бошлаб яшаб келган ҳо-

МОЗИЙ — ЁЗУВЧИ НИГОҲИДА

размлик, фарғоналик, сўғдийлик, бактриялик, шошлик ва шунингдек, соқ, массагет, қушон деб аталган аждодларимиздир, кейинчалик буларнинг сағдига барлос, жалойир, кенегас ва шу каби унлаб туркий қабилалар келиб қўшилиб кетган, деган фикрлари тарихий ҳақиқатга мос.

Асарнинг қиммати шундаки, унда бир қатор муаммолар, тарихий тадқиқотларга муҳтож бўлиб турган масалалар ўртага ташланади. Муаллиф давлатнинг келиб чиқиши, давлатнинг мазмун-моҳияти ҳақида советлар даврида берилган тушунарларнинг соҳталлигини, асосизлигини тўғри тушунира олган.

Биз тарихий-бадий услубда ёзилган бу асардан ҳамма тушунарларга илмий, таҳлилий ёндашишни даъво қилолмай-



Китоблар оламида

лашувидаги ўрни, миллий масъулият ва фуқаролик масъулияти каби бугунги куннинг долзарб масалалари каламга олинган ва ибратли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Муаллиф аждодларимиз қолдирган илмий мерос, нодир тарихий манбалар, уларнинг Ватанимиз тарихини ёритишдаги аҳамиятини китобхонларга ибратли тарзда етказишга ҳаракат қилган, уларни ўрганишга манфаатдорлик билан давлат этади.

Асарнинг сўнгги боби Юртбошимиз Ислам Каримовнинг мамлакат раҳбари ва Ўзбекистон Президентини сифатидаги фаолиятига бағишланади. Янги ўзбек давлатининг асосчиси, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг, бозор иқтисодиётига ўтишининг машҳур назар-

мал бўлиб хизмат қилмоқда.

Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Бизким, ўзбеклар...» номили китоби Юртбошимиз Ислам Каримовнинг юқорида қайд этилган учрашувда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарориде ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги ҳаққоний тарихини яратиб буйича илгари сурилган вазифаларни бажариш йўлида қўйилган муносиб қадамлардандир.

Қамариддин УСМОНОВ, тарих фанлари доктори, профессор.

ЭЪЛОН ЯНГИЙЎЛ «АПКО ЛАЗЗАТ» акциядорлик жамияти 2000 йил 11 март куни эрталаб соат 9-00 да Янгийўл шаҳар маданият уйи биносиде акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказида. Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни эрталаб соат 8-00 дан бошланади. КҰН ТАРТИБИ:

«Бизнинг салонга келмабсиз, гузаллиқни қўрмабсиз...» Ux Bliss ЭНГ ЯХШИ ФОТОСТУДИЯНИНГ фотосуратлари: ОИАВВИЙ БОЛАЛАР ФОТОАЛЬБОМЛАР ҲОШЯЯЛИ ПОРТРЕТЛАР ТУРИ МАРОСИМЛАРНИ ФОТО-ВИДЕОЛАВҲАГА ТУШИРИШ

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик тижорат



«АСАКА» банки

Сизларга банк хизматининг янги тури — сўм пластик карточкасидан фойдаланишни таклиф қилади.



«АСАКА» банкининг сўм пластик карточкаси шончли, обрўли, қулай ва фойдалидир.

- ✓ Пластик карточка йилига 39,29% фойда беради ва карточка ҳисобида қолган маблағингизга ҳар ойда фоиз қўшилиб боради; Зарурият туғилиши биланоқ, ўзингизга қулай пайтда нақд пулларни пластик карточкадан олишингиз мумкин; ✓ Пластик карточкани йўқотиб қўйсангиз, ўз пулларингизни йўқотмайсиз; ✓ Мутахассисларимизнинг юксак профессионал тайёргарлиги ва миждозларимизга сифатли хизмат кўрсатиши Сизга саноқли дақиқалар ичида пластик карточка олиш имконини беради; ✓ Энг асосийси, «АСАКА» банки Сизнинг омонатларингиз сақланишига ва сир тутилишига тўла қафолат беради.

«АСАКА» банкининг сўм пластик карточкасига эга бўлиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича банкининг Тошкент шаҳар бўлимига, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 73-уй, телефонлар: 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-81-79.



Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Мухиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шогүломов, О. Қайибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги М. АШРАФИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади: Кафедра мудири: торли чолғулар. Профессорлар: махсус фортепиано(1), анъанавий ижрочилик(1), халқ чолғулари(1), оркестр дирижёрлиги(0,5). Доцентлар: махсус фортепиано(1), хор дирижёрлиги(1), яқка хонандалик(0,5), анъанавий ижрочилик(1). Катта ўқитувчилар: оркестр дирижёрлиги(1), яқка хонандалик(1), халқ чолғулари(1), умумий фортепиано курси(1), ўзбек тили(1). Ўқитувчилар: чет тиллар кафедраси (1, француз тили), оркестр дирижёрлиги (2), эстрада мусикаси (1). Танлов муддати: эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси йирик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби, Беруний номидаги давлат муқофоти соғирдор, академик Раҳим БЕГЖОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таяния ихдор этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Таяния» очиқ турдаги ҳисдорлик жамоати раиси Усан РҲЗИБОВнинг бевакт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таяния ихдор қилади. «Ўқимаслик» уюшмаси жамоаси Самарқанд қиме лавозининг собиқ директори, Самарқанд шаҳар Боғишамол туманининг ҳокими Орифжон ҚИЛИЧЕВнинг бевакт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таяния ихдор қилади. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Тошкент» телеканали «Пойтахт» дастурининг бош муҳаррири Ашур РАШИДОВнинг бевакт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таяния ихдор этади. Физика-Қуёш илмий-ишлаб чиқариш бирикмаси жамоаси Физика-техника институти лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор А. О. Ибдушевнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таяния ихдор қилади. БҲРИХОН ағивни вафоти муносабати билан чўқур таяния ихдор қилади.

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 00001 Бузуртга Г — 106, 27017 нуқсала босилди, ҳажми — 2 табақ, Офсет усулида босилган. Қоғаз бичими А—2 Газета ИВМ компьютеризда тартидан ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамият ТОГАЕВ томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан эиел материаллар қабул қилинамайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров. Навбатчи — Э. Мақлонов, Мусахҳаҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти—21.00 Босишга топирилади: 22.00 1 2 3 4 5 6